

ЛЕНИН—БАШАРИЯТ ҚУЁШИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 79 (5172).

20
АПРЕЛЬ
ШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

МАНГУ САРЧАШМА

Жаҳон тарихида буюк номлар жуда кўп. Уларнинг довури авлоддан-авлодга ўтиб кетди. Аммо бутун ер юзидеги меҳнат ишчилари учун Ленин номи айниқса қадри буюб абадий қолади. Чунки Лениннинг бутун онгли ҳаёти тўғрисидаги тоғиб олтиб мехнаткашларга ёрдам қилишга бўйсундирилган эди. Унинг ҳаёти халққа садоқат билан хизмат қилиш намунасидир.

Инсоният тарихидаги бутун бир революцион давр Лениннинг номи ва фаолияти билан боғланган. Ленин тарихий тараққиётнинг боши билан пўжуде келган барча актуал масалаларга жавоб топти. Социалистик революция ва коммунистик жамият қурилиши назариясини ҳар томонлама ривожлантирди. Россиядаги ва халқаро революцион ҳаракатнинг илмий Ҳақдатдан асосланган стратегия ва тактика билан қуроллантирди, социализм идеяларини амалга ошириш учун ишчилар сиёсати курашига бошчилиқ қилди.

Жонажон Ватанимиз эришган муваффақиятларнинг ҳаммаси Лениннинг номи билан, Ленин партиясининг қаҳрамониона фаолияти билан боғланган. Ленинча Тинчлик программаси. Мамлакатни индустриалаштиришнинг, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг ленинча йўли. Ленинча миллий сиёсат. Мирачулини ўзлаштириш йўлидан, Ўрта Осиёда биринчи университетнинг тасис этиши юзасидан Ленин Декретлари. Ленинча Коммунистик шанбалик...

Ушбу рус ёзувчиси Максим Горький «буюк руҳ соҳиби бўлган Ленин фикри-эфири»нинг янги нусхаси орузи билан банд эди» деганда мунт қарра ҳақиди. Ленин келажик ҳақида оруз қиларкан, ҳўжалиқнинг, маданиятнинг, ривожланишнинг, фан ва техникадаги янги ютуқлар Совет Социалистик Республикасининг бой ва қудратли мамлакатга, тинчлик учун, урушни халқлар ҳаётидан мутлақ йўқотиш учун курашувчи мамлакатга айлантиради, дерди. Ҳозир Советлар мамлакатини ҳақиқатан Ленин оруз қилгандай бўлиб қолди. Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қўли-қўлга бериб, тинчликни Ҳўмод қилувчи актив ташқи сиёсатини олиб бормоқда.

Лениннинг Тинчлик ҳақидаги машҳур Декретидан КПСС XXIV съезди илгари сурган Тинчлик программасигача босиб ўтилган йўл Ленинча тинч-тотув яшаш принципларининг ҳаёتبашлигини амалда қўрсатди совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати жаҳондаги барча халқлар манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Лениннинг улўғвор хизматларидан бири шундаки, у миллий масалани - социалистик тарзда ҳал қилиш программасини ишлаб чиқди. Бу программа муваффақиятли амалга оширилди. Ленинча миллий сиёсатининг таънасини тенг-ларининг тенги, бахтлиларининг

бахтлиси бўлган Ўзбекистон республикаси мисолида аққол қўриш мумкин.

В. И. Лениннинг Совет Ўрта Осиёси ҳорижий Шарқ мамлакатларининг эзилган халқлари учун ажойиб намуна, социализм мағзи бўлиб қолади. деб айтган башоратли гаплари бутун кўндал тўла амалга ошди. Ўзбекистон Октябрь революциясига қадар патриархал қўлдаларга эга бўлган қолоқ ўлка эди, аҳоли ўртасида саводли кишилар бор-йўғи икки процент эди. Ҳозир Совет Ўзбекистони ёнасанга саводхон, фан, маданият, адабиёт ва санъат юксак даражада ривожланган, экономикаси туллаб-йишнаган республикадир.

Ўзининг шонли эллик йиллик тўйини нишонлаётган жонажон дийрмиз эришган меҳнат ютуқлари билан ҳар қанча фахрланасак арийдим. Эллик йил ичида республикамиз саноати маҳсулотининг ҳажми 240 марта ошди. Совет Ўзбекистони она-Ватанига 100 миллион тоналдан ортиқ «оқ олтин» топишди.

Буюк дохйи бўш ётган ерларини ўзлаштириш зарурлиги ва мумкинлигини неча марта-лаб таъкидлаган эди. У Ўзбекистондаги замонавий ирригацияни яратишда бошчилиқ қилиб, Мирачулини сугориши ишларига 50 миллион сўм акциянинг ҳақидаги Декретга имзо чекканини ўзбек халқи го-яг хурсанд бўлиб, миннатдорчилик билан эслайди.

Владимир Ильичнинг халқимиз маданият тараққиётига қатта эътибор билан қараганлиги, унинг Тошкентга бир гуруҳа маърифат қадирғочларини юборганлиги илм-фанимиз камолини белгилаб берди.

Ленин гошларининг сафар-бар қилувчи кучи айни шу кўндаларда ёрқин намоён бўлмоқда. Беш йилликнинг белгиловчи йили планларини мулаққатдан илгари бажариш учун бошланган мусобақа чиндан ҳам умумхалқ иштиа айланб қолди. Областиамиз саноатчи-ларини 1974 йил биринчи квартал планларини ошғичи билан адо этиб, пландан ташқари 27 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Азамат пахтакорларимиз эса юбилей йили ҳосилига пухта замин тайёрлаб, чигит экишини қисқа муддатларда тамомлаптилар.

Совет кишилари Ленин номини дилга жо қилиб, Владимир Ильич «буюк почин» деб атаган тарихий биринчи шанбалик хотирасини ёдда тутиб, бугун шанбаликка чиқади, юксак онглилик ва ушўқоқлик намунасини кўрсатадилар. Бу коммунистик меҳнат байрами кўнида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига қатта тўнелар ҳозирлаётган областимизнинг бутун меҳнат аҳли ўзининг озоқ меҳнатига, Ленинга, Ватанга, партияга садоқатини яна бир марта намоён қилади.

Порлоқ коммунистик жамият қуришда Ленин гошлари биз учун битмас-туганмас сарчашма бўлиб турибди.

22 АПРЕЛДА КОММУНИСТИК ПАРТИЯ
ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ АСОС-
ЧИСИ, ПРОЛЕТАРИАТНИНГ БУЮК
ДОҲИЙСИ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН
КУНГА 104 ЙИЛ ТУЛАДИ.

«ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ҲАММАМИЗГА
АЗИЗ ВА ЯҚИНДИР, ИНСОН СИФАТИДА ЖАНГ-
ЧИ-РЕВОЛЮЦИОНЕРНИНГ ЭНГ ЮКСАК ФАЗИ-
ЛАТЛАРГА ЭГА БУЛГАН, БИЛЛҮРДЕК ТИНИҚ
ВА СОФ, ГОЯТ ЖОЗИБАЛИ КИШИ СИФАТИДА
БИЗДАН КЕИИН ҲАМ КҮПГИНА АВЛОДЛАРГА
АЗИЗ ВА ЯҚИН БУЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТ-
ЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИ КЕНГАШИНИНГ

АХБОРОТИ

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг 1974 йил 17-18 апрелда Варшавада кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда қуйидагилар қатнашди:
Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Тодор Живков; БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, БКР Министрлар Советининг Раиси Станко Тодоров; БКП Марказий Комитетининг секретари Константин Телларов; БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БКР ташқи ишлар министри Петр Младенов; БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БКП Марказий Комитети биринчи секретари кабинетининг директори Милко Белев.

Венгрия Халқ Республикасидан — Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, делегация бошлиғи Янош Кадар; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Ене Фок; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР Ташқи ишлар министри Фридьеш Пуй.

Германия Демократик Республикасидан — Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, делегация бошлиғи Эрих Хонеккер; ГБСР Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Вилли Штоф; ГБСР Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси

Хорст Зиндерман; ГБСР Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ГБСР Марказий Комитетининг секретари Герман Аксен; ГБСР Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР Ташқи ишлар министрининг вазифасини бажарувчи Оскар Фишер; ГБСР Марказий Комитетининг аъзоси, ГБСР Марказий Комитетининг халқаро алоқалар бўлими мудир Пауль Марковский;

Польша Халқ Республикасидан — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, делегация бошлиғи Эдвард Герек; ПБП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ПХР Давлат кенгашининг Раиси Генрик Яблонский; ПБП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Петр Ярошевич; ПБП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ПХР Ташқи ишлар министри Стефан Ольшакский; ПБП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, ПБП Марказий Комитетининг халқаро бўлим мудир Ришард Фрелек.

Руминия Социалистик Республикасидан — Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг президенти, делегация бошлиғи Николае Чаушеску; РКП Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри Маня Манеску; РКП Марказий Комитетининг секретари Штефан Андрей; РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РСР Ташқи ишлар министри Жорже Маковеску; РКП Бош секретари, РСР Президентининг маслаҳатчиси Мирча Малица; РКП Бош секретари, РСР президентининг маслаҳатчиси Митя Константи.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, делегация бошлиғи Л. И. Брежнев; КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин; КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико; КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев; КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков; КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров.

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, делегация бошлиғи Густав Гусак; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Любомир Штроугал; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари Васил Биляк; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР Ташқи ишлар министри Богуслав Хнеулек; ЧКП Марказий Комитети халқаро сиёсат бўлимининг мудир Антонин Вавруш.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Куролли Кучларининг Бош қўмондони Совет Иттифоқи маршали И. И. Якубовский ва Варшава — шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг Бош секретари Н. П. Фирюбин ҳам кенгаш ишида қатнашдилар.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари Европа хавфсизлигини мустақамлашнинг ва халқаро кескинлигини янада юмшатишнинг актуал масалаларини муҳокама қилди. Сиёсий маслаҳат комитети (СМК) кенгашининг қатнашчилари мамунунят билан шуни қайд қилди, кескинлики юмшатиш тенденциясини ҳозирги вақтда Европа қитъасидаги ва умуман жаҳондаги вазиятнинг ривожланишида устунлик қилиб турган белги бўлиб турибди. Турли иқтисодий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари, давлатлараро муносабатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурматлаш, тенг ҳуқуқлилик, терроризм бутунлик, Европада давлатларнинг мавжуд чегараларини бузмаслик, куч қўлланишдан ва куч қўлланишнинг бўлиб таҳдид қилишдан воз кечиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик сингари асосий нормалари халқаро муносабатлар практикасида тобора кенг қорор топмоқда. Кескинлик юмшатишнинг Вьетнамдаги ва Лаосдаги, Жанубий Осиё кичик қитъасидаги, Яқин Шарқдаги можаролари вазиятларини сиёсий доирада ҳал этишга ўтишни ҳал қилувчи даражада белгилаб берди, халқларнинг эркинлик, мустақиллик, демократия ва тараққиёт йўлида кураш олиб бориши учун қўлай шароит яратиб бермоқда.

Шу билан бирга СМК кенгашининг қатнашчилари шуни қайд қилди, халқаро кескинлики юмшатиш муҳолифлари, «совуқ уруш» тарафдорлари, империализм ва реакция кучлари қуролларини ташлаётган, халқларнинг истак ва озуларига мос бўлиб тушмаган бу жараёнга тўқилик қилишга уринмоқдалар. Империалист доиралар НАТОни активлаштиришга интиломоқда, бу беким империалистик ҳарбий блок мамлакатларининг ҳарбий бюджетларини кўпайтириш давом эттирилмоқда.

Бироқ, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар қатъий ишонч билдириб шуни айтиди, жаҳон халқлари, бутун прогрессив, демократик, антиимпериалистик, тинчликсевар кучлар ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиб, устун бўлиб чиқа оладилар ва ўзларининг тўб манфаатларини сақлаб қола оладилар, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурматлашни таъминлай оладилар.

Социалистик мамлакатларнинг, аввало, Совет Иттифоқининг конструктив ташқи сиёсий фаолияти, айниқса Германия Федератив Республикаси билан бир қанча маълум шартномалар ва битимлар тузилганлиги Европадаги вазиятни нормаллаштиришга, барча давлатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга ва ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдам берди.

(Давоми 3-бетда).



Совет делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг ТАСС махсус мухбири. В. Мусалъян телефотоси.

БУГУН—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ
ҲАММА УМУМХАЛҚ ХАШАРИГА!

ВЪЕТАМІА МУСТАХІАМ ТИЧІІІЕ УЧУН

**ФУТБОЛЧИЛА
МУВАФФАҚ**

СССР терма қол
Югославия терма
си футболчиларни
шаҳрида ўтказилган
биринчи халқаро
қескин спорт кураш
ди. Майдонга СССР
нинг энг моҳир фу
тушган эдилар.
Олдинга ҳар и
кучи бир хилдек ту
Феловот ўринга
донга тушадиган
хиларини ҳужум
қулайди. Янги кўч
жумга ўтган Клипп
30-минутда рақиб
ингол қилди. Ҳисо
вага ғалабаниди.

Область буйича 86,0

700029. ГСП. Тошкент.

«Влада Востока» кўчаси. № 2

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар — 3
коммутатор — 33

Эълонлар — 338142,
имутатор — 330249 даг